



## THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF STUDYING THE POLITICAL IMAGE OF THE STATE CIVIL SERVICE

**Navruz Bekmurodov**

*Doctoral student*

*Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [navruzergash1980@gmail.com](mailto:navruzergash1980@gmail.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** civil service, state civil service, state power, just society, administration of power, image, political image, political image of public civil service.

**Received:** 10.12.24

**Accepted:** 12.12.24

**Published:** 14.12.24

**Abstract:** this article analyzes the theoretical and methodological foundations of the study of the political image of the state civil service. Such issues as the creation of the foundations of a just society, the original ideas aimed at managing power and implementing its functions, the concept, content and essence of the state civil service, its role in public administration are studied.

## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИНГ СИЁСИЙ ИМИЖИННИГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**Навруз Бекмуродов**

*таянч докторант*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси  
Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [navruzergash1980@gmail.com](mailto:navruzergash1980@gmail.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** давлат хизмати, давлат фуқаролик хизмати, давлат ҳокимияти, адолатли жамият, ҳокимиятни бошқариш, имиж, сиёсий имиж, давлат фуқаролик хизматининг сиёсий имижи.

**Аннотация:** мазкур мақолада давлат фуқаролик хизматининг сиёсий имижини ўрганишнинг назарий-методологик асослари таҳлил қилинган. Адолатли жамият асосларини яратиш, ҳокимиятни бошқариш ва унинг функцияларини бўлиб амалга оширишга қаратилган дастлабки ғоялар, давлат фуқаролик хизмати тушунчаси, мазмун-моҳияти, давлат бошқарувидаги ўрни каби масалалар ўрганилган.

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ  
ПОЛИТИЧЕСКОГО ИМИДЖА ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ  
СЛУЖБЫ**

**Навруз Бекмуродов**

*Докторант*

*Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: navruzergash1980@gmail.com*

**О СТАТЬЕ**

**Ключевые слова:** государственная служба, государственная гражданская служба, государственная власть, справедливое общество, управление властью, имидж, политический имидж, политический имидж государственной гражданской службы.

**Аннотация:** в данной статье анализируются теоретико-методологические основы исследования политического имиджа государственной гражданской службы. Изучены такие вопросы, как создание основ справедливого общества, исходные идеи, направленные на управление властью и реализацию ее функций, понятие, содержание и сущность государственной гражданской службы, ее роль в государственном управлении.

**КИРИШ**

Жамият ривожланишининг дастлабки босқичларида ижтимоий мавжудот бўлган инсонларнинг биргалиқда яшаши баъзи умумий хизматларнинг амалга ошириш заруратини келтириб чиқарди. Давлат хизматлари сифатида концептуаллаштирилган ушбу хизматлар жамиятлар ривожланиши билан параллел равишда ривожланди, мослашди ва ўзгарди.

Қадим замонлардан бери қайси хизматлар давлат хизматлари хисобланиши ва бу хизматлар ким томонидан, қандай амалга оширилиши ҳақидаги муҳокамалар, ёндашувлар ҳамда амалиётлар эътиборни тортиб келган. Англиялик тарихчи олим, академик **Питер Джон Хеннесси ва Сэр Дэвид Джон Нормингтонлар** фикрига кўра, узоқ тарихий давр мобайнида давлат хизматларини кўрсатиш биринчи навбатда давлатнинг бурчи ва вазифаси сифатида қабул қилинган. Бу борада эришилган муваффақиятлар давлатнинг аҳамияти янада ортиши, фуқаролар билан яқиндан мулоқот ўрнатиши, нуфузи ошиши каби натижаларга хизмат қилган. Гарчи марказий ҳукумат асосий иштирокчи бўлса-да, вақт ўтиши билан маҳаллий ҳукуматлар, нодавлат ташкилотлар, мустақил маъмурий органлар, агентликлар ва хусусий сектор ҳам турли даражада давлат хизматлари ролини ўз зиммасига ола бошлади. Давлат хизматларини ким амалга ошириши кераклиги ҳақидаги қарорлар эса, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий тузилиши, маданияти, давлат ва хусусий секторнинг ташкилий тузилмаси ҳамда хизмат хусусиятлари каби омилларга қараб фарқланади [1].

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, давлат хизмати тарихи қадимги Хитойга бориб тақалади. Цин сулоласи (мил. ав. 221 – 207) ҳукмронлиги даврида Хитой тарихида илк

маротаба марказлашган давлат тузилиб, алоҳида давлат хизматининг шаклланиши учун шароит яратилди. Хан сулоласи (мил. ав. 206 – мил. 220) даврида, милоддан аввалги 124-йилда, малакали амалдорларни тайёрлаш учун Император Академияси ташкил этилди. Тан (618 – 907) ва Сўнгти Сунг (960 – 1279) сулолалари даврида давлат хизмати ривожланиб, Хитой жамиятида қудратли кучга айланди.

Хитой давлат хизматида хизматчилар анча мураккаб имтиҳонлар асосида танлаб олинарди. Ушбу тизим Хитой империясига 2000 йилдан ортиқ барқарорликни таъминлашида ёрдам берди. Кейинчалик у бошқа Осиё ва Фарб мамлакатларида ривожланган давлат хизмати тизимлари учун намуна бўлиб хизмат қилди [2].

Рим империясида (милоддан аввалги 27 – милодий 395) жамиятда турли функцияларни бажарадиган бир неча турдаги маоши давлат хазинасидан тўланадиган давлат хизматчилари мавжуд бўлган. Уларни «*apparitor*»лар деб аташган. Аппариторлар магистратларга ёрдамчи бўлиб, нуфузи жиҳатдан тўрт даражага (*decuriae*) бўлинган: 1) энг юқори мартабалилар «*scribae*» – котиблар ёки давлат нотариуслари; 2) «*lictor*» – олий магистратлар (диктатор, децемвирлар, консуллар, преторлар, цензорлар) ва қуий магистратлар (халқ трибуналари, эдиллар, квесторлар ва б.)ларнинг мулоzими; 3) «*viator*» – хабарчилар ёки чақиравчилар, яъни расмий топшириқлар бўйича агентлар. Судларда улар гувоҳларни чақиришди, вақтни ҳисобга олишди ва тартибни сақлашга ёрдам беришган; 4) «*praecones*» – жарчилар. Улар сайланган магистратларга ваколат муддати давомида ёрдам кўрсатишган [3].

Кейинги босқич XVIII асрда Британия империяси ҳудудининг бағоят катталашуви ва иқтисодий юксалиш натижасида *Office of Works* (Ишлар бошқармаси) ҳамда *Navy Board* (Денгиз флоти кенгаши) каби муассасалар равнақ топиши билан боғлиқ. Ҳар бирининг ўз тизими бор эди, лекин умуман олганда, ходимлар ҳомийлик асосида ёки тўғридан-тўғри иш ўрнини сотиб олиш йўли билан тайинланарди. XIX асрга келиб, бундай ёндашув самарсиз эканлиги тобора аниқ бўла бошлади. Америкалик хитойшунос олим **Дерк Бодде** таъкидлашича, «Англия давлат хизматининг келиб чиқиши олимлар томонидан яхши ўрганилган. XVIII асрда бир қанча инглиз олимлари Хитой давлат хизматининг имтиҳон тизимини мақтаб ёзадилар, баъзилари Англия учун ҳам шунга ўхшаш амалиётни қабул қилишга ундашгача боришади. Бу йўналишдаги биринчи аниқ қадам 1806 йилда Британия Ост-Индия компанияси (East India Company) томонидан амалга оширилди. Мазкур йилда компания Ҳиндистондаги маъмурларини ўқитиш ва билимларини текшириш, баҳолаш учун Лондон яқинида коллеж (East India Company College) ташкил этиди. Коллеж барпо этиш таклифи Хитойнинг Кантон шаҳридаги компания аъзолари томонидан берилган эди» [4].

Ҳинд маъмурлари учун «давлат хизмати» имтиҳонлари («civil service» – компания томонидан киритилган атама) 1829 йилдан жорий қилинганд [5].

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари, оғир иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, алоқа ва технология соҳасидаги оламшумул ихтиrolар, жамиятнинг хизмат кўрсатишга бўлган талабларининг сифат ва микдор жиҳатидан ортиши, глобаллашув каби омиллар давлат хизматларининг янгидан тавсифланишига, шунингдек, тамойиллари ва қамровини қайта белгилашга олиб келди.

**1970-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб** мамлакатларнинг давлат бошқаруви тизимларида юзага келган ноқулайлик ва самарасизликка ечим топиш мақсадида давлатни таркибий ва функционал жиҳатдан қисқартириш, давлат бошқарувини хусусий сектор услубидаги бошқарув ёндашуви билан бошқариш, давлат хизматларини кўрсатишида кўпроқ бозор тамойилларини кўллаш каби гоялар илгари сурила бошланди. Профессор **Кристофер Худ** анъанавий давлат бошқарувидан мослашувчан ва бозорга асосланган бошқарув ёндашувига ўтишни ифодаловчи ушбу ўзгариш жараёни Янги давлат бошқаруви (New public management – NPM) сифатида концепциялаштирилганлигини, шунингдек, бу атама биринчи марта Буюк Британия ҳамда Австралия академиклари томонидан киритилганини таъкидлайди [6]. Шундай қилиб, илмий жамият томонидан тан олинган, ютуқлар мажмуи сифатида тасвирланган NPM давлат хизматига ўз таъсирини кўрсата бошлади.

**1980-йиллардан бошлаб**, NPM таъсири билан давлат хизмати соҳасида – хизмат кўрсатувчи субъектлар ва хизматларни тақдим этиш усулларида ислоҳотлар жараёни бошланди. NPM асосий эътиборни тадбиркорлик фаолиятининг етакчилигига, давлат хизматларини асосий бўлинмаларга ажратишга, давлат хизматларида хусусий секторга кўпроқ рол беришга, номарказлаштириш тамойилини кўллашга, фуқароларга энг яқин бўлинмалар томонидан давлат фуқаролик хизматларини тақдим этишга қаратди.

**1990-йиллардан сўнг** NPM институционал ва сиёсий мураккабликни оширганлиги, концепцияларни аниқ белгилай олмаганлиги, фуқароларни харидор сифатида кўрганлиги ва давлат хизматлари тузилмаларининг бир қисмини тижорат, шартнома асосига ўtkазилиши давлат бошқарувига бўлган ишончни йўқолиши ва тарқоқлик каби салбий оқибатларга олиб келганлиги сабабли қаттиқ танқидларга учради.

**2000-йилларнинг ўрталаридан бошлаб** NPMга ўрин тўлдирувчи, рақобатчи бошқарув тизими яратиш жараёни бошланди. Ушбу жараёнда пайдо бўлган ижтимоий қиймат (public value), янги давлат хизмати, neo-weberyen давлати, рақамли бошқарув, интеграциялашган давлат бошқаруви каби ёндашувлар NPMга муқобил вариант сифатида кўрила бошланди.

Ривожланган ва ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда давлат бошқаруви самарасини ошириш мақсадида электрон ҳукумат технологиялари кенг жорий қилина бошланди. Профессор **Муқимжон Қирғизбоев** «Европа Комиссиясининг таърифига биноан, электрон ҳукумат давлат хизмати ва демократик жараёнлар сифатини ошириш, давлат сиёсатини қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш мақсадида ташкилий ўзгаришлар ва янги малакаларга уйғун равишда давлат бошқаруvida ахборот ва коммуникациявий технологияларни татбиқ қилишдир», деб ёзади [7].

Жаҳон ҳамжамияти қўз ўнгидаги жадал ривожланаётган, инвонпарвар ва демократик образи яратилган мамлакатгина катта сиёсий ва иқтисодий муваффақиятларга эришади. Давлат фуқаролик хизмати соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, давлатнинг имижини юксалтиришда ва бошқа долзарб масалалар бўйича фуқаролик хизматининг аҳамияти кундан-кун ошиб бормоқда. Зеро, давлат фуқаролик хизматчилари имижини ошириш аҳоли томонидан ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш даражасини ҳам белгилайди.

**«2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» ва «Ўзбекистон — 2030 стратегияси»да ҳам айнан мамлакат имижини юксалтириш билан боғлиқ вазифаларнинг, аниқроғи мақсадларнинг белгилаб олинганлиги эса бу борада сиёсий вазифаларни давом эттириш ва халқаро майдонда Ўзбекистоннинг позициясини мустаҳкамлаш борасидаги стратегик ишларни жадаллаштириш масъулиятини юкламоқда.**

АҚШ, Россия, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Корея республикаси, Сингапур сингари давлатлар тажрибасидан кўриш мумкинки, Ўзбекистоннинг имижини жаҳон саҳнасида илгари суриш, амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг самарадорлигини, жамиятни демократик янгилаш борасидаги ишларни холис ёритиш нафақат сиёсатчиларнинг, балки олимларнинг ҳам асосий мақсадларидан бирига айланиши лозим. Давлат фуқаролик хизматчилари сиёсий имижи ва нуфузини ошириш учун нима қилиш керак деган масала борасида жаҳонда ва мамлакат ичидаги сиёсий жараёнларни тизимли ва қиёсий таҳлил қилиб, тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

## I. ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИ

### 1.1. Давлат хизматининг таърифи ва хусусиятлари

Давлат хизмати кўп қиррали ва кўп тармоқли тушунча бўлиб, конституциявий ҳуқук, маъмурий ҳуқук, социология, менежмент, сиёсатшунослик ва давлат молияси каби фанлар томонидан кўриб чиқилади. Шу сабабли, мазкур тушунчанинг ҳамма рози бўлган ягона таърифи йўқ. Умумий таърифнинг йўқлиги давлат хизматининг кўп қиррали тушунча

эканлиги, шунингдек, унинг доимий равища шахс, жамият ва жамиятдаги ўзгаришлар, ривожланишлар билан қайта кўриб чиқилиши кераклигини англатади.

«Давлат хизмати» тушунчасини таҳлил қилишдан олдин, «хизмат» сўзининг маъносига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «хизмат» сўзига (арабча сўздан олинган бўлиб): «хизмат; иш, лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам», деб таъриф берилган ва саккиз хил маъноси изоҳланган [8].

«Давлат хизмати» тушунчасининг мазмуни турли мамлакатларда турлича талқин этилади. Ҳаттоқи инглиззабон Буюк Британия ва АҚШда мазкур тушунчалар бир-биридан фарқ қиласди. Бу атама дастлаб XVIII аср охирида Британия Ост-Индия компаниясининг фуқаро ва ҳарбий ходимларини фарқлаш учун қўлланган бўлиб [9], ҳозирда давлат хизматини номлаш учун турли атамалар – «фуқаролик хизмати» («civil service»), «оммавий хизмат» («public service»), «давлат хизмати» («government service») иборалари синоним сифатида ишлатилади.

Кембридж луғатида **«public service»** давлат томонидан, масалан, касалхоналар, мактаблар ёки полиция кабилар томонидан кўрсатиладиган хизмат; ҳукумат ва унинг идоралари бажарадиган ишлар, **«civil service»** эса марказий ҳукумат режаларини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат идоралари ва хизматчилар», деб таъриф берилган [10]. «Давлат хизмати» атамаси аксарият континентал ҳукуқий тизимдаги мамлакатларда (Франция, Германия, Италия, Испания, Швейцария ва бошқалар) қўлланади ҳамда «давлат фуқаролик хизмати» тушунчаси унинг ажralmas қисмига айланган. Ҳозирги вақтда «давлат хизмати» тушунчаси билан бир қаторда, **«муниципал хизмат»** тушунчаси ҳам қўлланилмоқда. Бу тушунча оммавий хизмат кўрсатишни назарда тутади, яъни оммавий ҳукуқ субъектлари ваколатларини амалга ошириш борасидаги профессионал фаолиятни қамраб олади.

Маълумотлар таҳлили давлат хизмати тушунчасига бир неча маъноларда ёндашишни тақазо этади. Хусусан ўзбек олимлари **Э.Т.Хожиев, Г.С.Исмаилова, М.А.Рахимовалар** томонидан тайёрланган «Давлат хизмати» номли ўқув қўлланмада шундай дейилади:

- биринчидан, **ижтимоий маънода**. Давлат хизмати ижтимоий категория бўлиб, давлат ташкилотида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлатнинг кўрсатмасига кўра ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш;
- иккинчидан, **сиёсий маънода**. Давлат хизмати давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фаолият бўлиб, давлатнинг мақсад ва вазифаларига барча мавжуд сиёсий куч орқали эришади, жамиятдаги мувозанатни таъминлайди;
- учинчидан, **ҳукуқий маънода**. Давлат-хизмат муносабатларини ҳукуқий ўрнатиш бўлиб, бу орқали мансаб мажбуриятлари, хизматчиларнинг ваколатлари, давлат

органларининг компетенцияси бажарилиши таъминланади. Давлат хизмати мураккаб ижтимоий-хуқуқий институтлардан бири бўлиб, уни ўрганиш давлат хизматининг ижтимоий ва хуқуқий асосларини таҳлил қилишни талаб қилади. Бу институт давлат-хизмат муносабатларини тартибга солувчи нормалар йигиндисидан иборат бўлиб, у орқали хизматчиларнинг хукуклари, мажбуриятлари, уларга белгиланадиган чекловлар, жавобгарлик ҳамда давлат хизматини ўташ, хизмат муносабатларининг юзага келиши ва бекор бўлиши тартибга солинади;

– тўртингидан, **ташкилий маънода**. Давлат хизмати давлат аппаратининг ташкилий-функционал элементлари билан алоқада бўлади. У қуйидаги элементлардан ташкил топган тизим сифатида намоён бўлади: давлат аппарати фаолиятининг ташкилий ва процессуал асосларини ташкил этиш; лавозимларнинг тузилиши ва хуқуқий кўриниши; ходимларни аниқлаш, баҳолаш. Давлат хизмати давлатни, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлайди ва фуқаролик жамиятининг бир меъёрда фаолият юритишини таъминлайди [11].

Олима **Н.Сайд-Газиева**: «Давлат хизмати – кўпдан-кўп таркибий қисмлар бирлигидир. ... давлат аппаратида ишлашга тайёрланган одамлар мажмуи ҳамда ижтимоий-хуқуқий муносабатларнинг алоҳида тизимири» [12], деб таъриф беради.

Академик **Қ.Абдураҳмонов**: «Давлат хизматчилари билан хусусий сектор ходимлари ўртасидаги муҳим фарқ мазкур фаолият соҳаларидаги вазифаларни бажариш характеридадир. Давлат хизматчилари томонидан бажариладиган вазифалар улардан холисликни, тадбиркорликни, вазминликни, талабчанлик ва сезирликни талаб қилади. Акс ҳолда фуқароларнинг асосий хукуклари хавф остида қолади. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келадики, давлат хизматчиси давлат билан узвий равишда боғланган бўлади. Ана шунга мувофиқ мазкур ходимларни танлаш тизими, уларнинг давлат иш берувчисига нисбатан мажбуриятлари, улар фойдаланадиган хукуклар келиб чиқади» [13], дейди.

Давлат хизмати ўз моҳиятига кўра нафақат юридик, шунингдек сиёсий тушунча ҳамдир. Зеро, у табиатан сиёsat билан шуғулланади, фуқароларга хизмат кўрсатадиган тузилма саналади. Бунга исботан, мазкур фаолият юқорида исмлари қайд қилинган юртимиз олимлари **Э.Т.Хожиев, Г.С.Исмаилова, М.А.Рахимова, европалик олимлар Л.Б.Андерсен, Г.Риполл, К.Счотт** [14] таъкидига кўра:

Биринчидан, деярли барча давлат хизмати тизимлари кадрлар масалаларида маълум даражада сиёсий иштирокга эга бўлади.

Иккинчидан, давлат хизмати сиёсий мезонларининг табиати турлича бўлиши мумкин. Масалан, давлат хизматчилари вазирлар ва бошқа сиёсий етакчиларга содиқликлари, шунингдек, бирор партияга содиқликлари асосида танланиши ва ишдан бўшатилиши мумкин.

Учинчидан, кўпгина мамлакатларда бўлажак сиёсатчиларнинг мақсадларидан бири вазирликлар ҳамда алоҳида давлат хизматчилари билан яқин алоқа ўрнатиш саналади. Бу, айниқса, бир муддат мухолифатдан сўнг ҳокимиятга келган партия вакиллари орасида кузатилиди.

Юқорида мазмуни ёритиб берилган давлат хизматининг асосий элементларига асосланиб, давлат хизматига куйидагича муаллифлик таърифини беришимиз мумкин: **давлат хизмати** – бу давлат органида маълум бир мансабни эгаллаб турган шахс томонидан давлат вазифалари ва функцияларини бажариш мақсадида ҳокимият-ваколатларининг амалга оширилишига қаратилган касбий фаолиятдир. Ушбу таърифда давлат хизмати тушунчасини ёритиб берувчи барча элементлар ўз ифодасини топган [15].

Шунингдек, давлат хизматининг таърифлари унинг **асосий хусусиятлари** ҳақида ҳам маълумот беради. Хусусан, туркиялик олимлар **Ш.Гўзибуюк, М.Гундай, А.Улусой, МДҲ** олимлари **А.Ноздрачев, И.Василенко, Д.Овсянколарнинг** фикрига кўра:

- Хизмат оммага қаратилган ва жамоатчилик учун фойдали бўлиши керак.
- Давлат хизмати қонун билан белгиланади ёки қонунга асосланади.
- Давлат ёки хусусий секторнинг назорати остида амалга оширилади.
- Жамоатчилик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иш кўрилади.
- Миллий ёки маҳаллий бўлиши мумкин.
- Ҳеч қандай фойда-мақсадисиз фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёjlари ва фаровонлигини таъминлаш учун амалга оширилади.
- Янгиликларни ўзлаштириш ва маҳсулдорликни оширишга доимий интилади [16].

Бизнинг фикримизча, хизматни давлат хизмати деб ҳисоблаш учун иккита асосий шарт лозим. Биринчидан, хизмат оммага қаратилиши ва омма учун фойдали бўлиши керак. Жисмоний ёки юридик шахсларнинг шахсий манфаати учун қўрсатиладиган хизматларни давлат хизматлари деб таърифлаш мумкин эмас. Иккинчидан, хизмат бевосита давлат муассасалари томонидан ёки давлат муассасалари назорати ва назорати остидаги хусусий сектор томонидан амалга оширилиши лозим.

## **1.2. Давлат фуқаролик хизматининг таърифи ва хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонунида **«давлат фуқаролик хизмати** – давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидағи давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди», деб кўрсатилган [17]. Ушбу қонун давлат фуқаролик хизматчисининг хукуқий мақоми, лавозимлар тоифалари ва малака даражаларини, давлат фуқаролик хизматига кириш, ўташ ва тугатиш жараёнларининг ягона тартиботини,

кадрларнинг касбий-маънавий фазилатлари ва алоҳида хизматларнинг объектив ҳамда адолатли баҳолаш асосида хизмат поғоналари бўйича ўсиш кафолатларини, умуман, ягона давлат фуқаролик хизматининг ташкилий-хуқукий механизмини тартибга солишни назарда тутади.

Қонуннинг амал қилиши Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимлардаги давлат фуқаролик хизматчиларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилади.

У президент, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ҳамда бошқа маҳаллий давлат ҳокимият органлари депутатлари, юқори ва қуи палаталар девонлари ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, судьялар ва суд тизими ходимлари, Марказий банк бошқаруви аъзолари, прокуратура, ички ишлар, мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар, Миллий гвардия, Давлат божхона қўмитаси ва ДХХ органларида хизмат қилаётганлар, шу жумладан, ҳарбий хизматчилар, қолаверса, давлат органларининг техник, ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш ходимларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди [18].

**Қонунга биноан, давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:**

- Давлат фуқаролик хизмати тизимининг ягоналиги ва барқарорлиги;
- қонунийлик;
- адолатлилик;
- халққа хизмат қилиш;
- давлат органларининг ва мансабдор шахсларининг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги;
- инсон хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- очиқлик ва шаффоффлик;
- холислик, профессионаллик ва компетентлик;
- давлат фуқаролик хизматига киришда Ўзбекистон фуқароларининг тенг хукуклилиги;
- давлат фуқаролик хизматчиларининг хуқукий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиниши.

**Хўш, «давлат хизмати» ва «давлат фуқаролик хизмати» тушунчалари ўртасида қандай фарқ бор?**

2019 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармонига биноан, давлат

хизмати: давлат фуқаролик ва маҳсус (хукуқни муҳофаза қилувчи органлардаги хизмат ва куролли кучлардаги ҳарбий хизмат) хизмат турлари белгилаб ўтилган. Шунингдек, давлат фуқаролик хизмати деганда, **давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлардаги хизмат фаолияти** назарда тутилмоқда. Шундан келиб чишиб, мамлакатимизда «давлат фуқаролик хизмати» ва «давлат хизмати» алоҳида тушунчаларга ажратилди, жумладан давлат фуқаролик хизмати давлат хизматининг бир тури сифатида кўрилмоқда.

### 1.3. Давлат фуқаролик хизматининг аҳамияти

Давлатчилик ва бошқарув тарихини ўрганишда сиёсатшуносликнинг аҳамияти бекиёсdir. Маълум бир давлатнинг тараққиёти ёки таназзули ўша давлатда олиб борилган сиёсатга боғлиқлиги сир эмас. Ундан ташқари, турли даврлардаги норозилик ҳаракатлари, босқинчиликлар, қўзғолонлар ва урушлар тарихи ҳам сиёсат билан бевосита боғлиқdir. Профессор Стивен ван де Валле фикрича, давлат фуқаролик хизматлари бутун тарихи давомида давлатни ўз фуқароларига кўпроқ ижобий тарзда танитишга ва давлат билан фуқаролар ўртасида бевосита алоқани яратишга хизмат қилган. Яъни, хукуқий мустаҳкамланган, шаффоф ва замон талабига мос равишда ташкил этилган давлат фуқаролик хизмати мамлакат аҳолисида унга нисбатан ижобий тасаввурларни шакллантиради [19]. Биз бу фикрларга қўшилган ҳолатда айтамизки, давлат номидан фаолият олиб бораётган хизматчига қараб давлатга ёки давлат бошқаруви аппаратига баҳо берилади. Шу сабабли, ҳар бир мамлакатда давлат фуқаролик хизматининг қандай шакллангани, яъни ташкилий-хукуқий асослари жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари, ушбу хизматларни кўрсатиш жараёни фуқаролар билан давлат хизматчиси, мансабдор шахслар ва сиёсатчилар ўртасида ўзаро мулоқотни талаб қилади. Масалан, шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамиятнинг турли қатламларидаги нуфузли гуруҳлар давлат хизматларидан кўпроқ фойда олиш учун сиёсатчилар ва давлат амалдорларига расмий талаб ҳамда хизмат сўровларини юборадилар. Ушбу талабларни қондириш ёки ҳеч бўлмаганда баҳолаш фуқароларнинг хизмат кўрсатиш бўйича кутилган натижалари ва талабларини ҳисобга оладиган давлат хизматларини шакллантиришга ҳамда миллий ғояни ривожлантиришга ёрдам беради [20].

Давлат фуқаролик хизматларининг аҳолига муаммосиз кўрсатилиши ҳукуматнинг муваффақиятли ва узлиksиз фаолият юритаётганининг кўрсаткичларидан бири саналади. Шу ўринда айтиш лозимки, давлат фуқаролик хизматларини муаммосиз ўташ осон иш эмас. Зотан, давлат фуқаролик хизматларини давлатнинг ўзи ёки бошқа субъектлар орқали аҳолига кўрсатиш учун жиддий молиялаштириш манбаси зарур бўлади. Бундан ташқари, малакали кадрлар, замонавий технологиялар, тегишли инфратузилмаларни яратиш ҳамда зарур энергия салоҳиятига эга бўлиш талаб этилади.

## II. ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ЎРНИ

### 2.1. Давлат фуқаролик хизмати тарихи. Қадимги давр

Кишилар ўтрок ҳаётни бошлаган энг ибтидоий даврларданоқ қандайдир умумий эҳтиёжларни қондириш ва хизматлар кўрсатиш заруриятига дуч келган. Қадим замонларда бандаргоҳлар, бозорлар ва ҳамомлар каби инфратузилма хизматларини амалга ошириш ижтимоий мажбурият сифатида қаралган ҳамда бу умумий хизматларни кўрсатиш учун жавобгарлик кўпинча давлатга юкланган [21]. Бу хизматларнинг бажарилиши давлат мавжудлигининг энг муҳим сабабларидан бири сифатида қаралган. Шу боис айтиш мумкинки, давлат хизмати тушунчасининг тарихи ҳам давлат каби қадимийдир.

Давлат хизматлари тарихи қадимги даврларга бориб тақалса-да, давлат хизматларини кўрсатиш кўлами ва кўрсатиш усуслари тарих давомида ўзгарган. Давлат қандай хизматлар кўрсатиши ва бу хизматларни кўрсатишида қандай усуслар ва молиявий ресурслардан фойдаланиши масалалари доимо муҳокама қилинган.

**Антик даврларда Сукрот, Демокрит, Платон, Аристотель, Эпикур, Полибий, Цицерон каби мутафаккирлар томонидан адолатли жамият асосларини яратиш, ҳокимиятни бошқариш ва унинг функцияларини бўлиб амалга оширишга қаратилган дастлабки ғоялар илгари сурилган** [22]. Масалан, Аристотель давлатнинг вазифаси сифатида қуидагиларни санаб ўтади: озиқ-овқат билан таъминлаш; қулайлик яратиш; химоя, ички эҳтиёжлар ва урушлар учун керак бўлган мулк таъминоти; диний масалаларни назорат қилиш; қарор қабул қилиш ва адлия тизими. У фуқароларнинг ақлий меҳнат билан шуғулланишлари ва давлат ишларида иштирок этишлари учун кундалик юмушлардан озод бўлишлари ва бўш вақтга эга бўлишлари керак, деб ҳисоблайди [23].

**Хитой мутафаккирлари Лао-Цзи, Конфуций, Сун-цзи ва бошқалар таълимотида давлат бошқаруви учун маънавият ва ахлоқнинг аҳамияти; донолик, инсонпарварлик, садоқат, катталарни ҳурмат қилиш, жасорат; қонун инсон манфаатларига хизмат қилиши каби масалаларга кенг ўрин берилган** [24]. Хусусан Конфуций жамият сиёсий тизимини барқарор ишлашини ташкил этишда, давлат бошқарувида маънавият ва ахлоқнинг ўрнини юксакликка кўтаради. У шундай деб ёзган эди: «Агар қонунлар ёрдамида бошқарилса ва тартибот жазолашлар воситасида таъминланса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишга интилади, лекин улар орномусни ўзларида ҳис қилмайдилар; агар дэ (маънавий-ахлоқий воситалар) ёрдамида бошқарилса, тартибот қадриятлар ёрдамида таъминланса, одамлар орномусни ҳис қиласидилар, ҳалол ва софдил бўладилар» [25].

## 2.2. Ислом мутафаккирлари

Кўхна Осиё ва юртимизда етишиб чиқкан ислом мутафаккирлари, уламолари, муфассир, мутакаллим, мухаддис, мутасаввиф ва фақиҳлари олимларининг ҳаёти ҳамда ижодини ўрганиш, уларнинг илмий фаолиятларини тарғиб қилиш, колдирган илмий меросларини тадқиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди. Таъкидлаш жоиз, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муқаффа, Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Абу ал-Муъийн Ан-Насафий, Абу Ҳомид Муҳаммад Ал Ғаззолий, Бурҳонуддин Марғиноний, Убайдуллоҳ ибн Масъуд Ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий [26] каби улуғ ислом мутафаккирларининг асарларида адолат ва сиёsat, давлат хизматчиларида бўлиши керак бўлган хусусиятлар; уларнинг вазифа ва одоблари; давлат одамларининг ва бошқарувчиларнинг юксак азми Қуръон оятлари, ҳадислар, аҳли донишнинг ҳикматли сўзлари, машҳур фалсафа ва дин вакилларининг, одил ҳукмдорларнинг сўз ва хатти-харакатидан намуналар берилган ҳолда ёритилган.

Масалан, дин омилиниң сиёсий жараёнлардаги таъсирини тўғри англаган Ибн Муқаффанинг бу мавзудаги қуйидаги фикрлари диққатга молик: «Дин арбоблари, олижаноб инсонларнинг ҳар бир вилоят, қишлоқ ва қабиладаги обрў-эътибори, хурматини яхши билган ҳолда, уларни ўзингнинг биродарларинг, яқин дўст ва ёрдамчиларингга, ишончли инсонларингга айлантиришга ҳаракат қилгин. Сен уларни ўзинг учун хавф-хатар деб билма. Чунки бунинг натижасида одамларда сенга маъқул тушмайдиган турли фикрлар пайдо бўлади. Сенинг фазилат аҳлидан маслаҳат сўрашинг ҳалқда бошқалар фикрига муҳтоҷ эканлигинг борасидаги турли фикрлар келтириб чиқаришидан қўрқма» [27].

Ғаззолий нафақат инсон масалалари, балки жамият ва давлат қурилиши муносабатлари билан ҳам шуғулланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу борада у шундай ёзади: «Бас, одам ҳамма ҳожатини ўзи тамом қилолмас. Ғайрига ҳожати тушган сабабдин ҳалқаро хусумат пайдо бўлур. Ва ҳар киши ўз ҳаққига ризо бўлмай, бир-бирига қасд қилурлар. Бу важҳдин яна уч сифатга ҳожат тушар. Бири салтанат ва сиёsat, яна бири қазо (қозилик) ва хукумат, яна бири сифат фикҳим, мунинг бирла сиёsat ва салтанат қонунини ҳалқға жорий қилғай» [28].

Бутун ҳаёти давомида одамларни иймон эътиқодга, ҳар доим фаол, фойдали меҳнат қилишга даъват қилган Ҳожа Аҳрор Валий: «Кўча-кўйда бўлса ҳам бир фойдали иш билан машғул бўлинг. Ҳалқ сизнинг бу ишингиздан манфаат топсин. Сиз ҳам ўшанда ўзлигингизни англайсиз. Қисқа вақт ичида бирор қасб ўрганишга ҳаракат қилинг. Шунда кишилар назарида сиз ўйлагандек, яхши қиёғангиз пайдо бўлади» [29], деб таъкидлайди. Ҳожа Аҳрор Валий нақшбандия таълимотида илгари сурилган, ҳар бир киши фойдали меҳнат билан шуғулланиши лозимлиги ҳақидаги ғояни янада бойитиб, инсонлар фойдали

мөхнатлари натижасидан саховат ва кўмак бериш билан ўзгалар кўнглини шод этиш, чинакам мусулмончилик белгиларидан эканини тарғиб қилган.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф «Ижтимоий одоблар» китобида шундай ёзади:

«Касб қилиш инсон ҳаётидаги доимий ва зарурий амал бўлгани учун Куръони каримда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида ва шариат аҳкомларида бу амалга катта аҳамият берилган. Уларнинг қисқачаси қуидагилардан иборат:

- Мусулмон киши ўзи яхши билган ва гўзал тарзда адо эта оладиган ишга киради.
- Мусулмон ўзига муносиб ишга кирганидан кейин ишни яхши ният билан бошлиши ва унда бардавом бўлиши керак.
- Иш бажарувчи тараф унга иш берувчи тараф топширган иш омонат эканини зинхор унутмаслиги зарур.
- Мусулмон кишидан ўзига ишониб топширилган ишни яхшилаб ва пухта қилиши талааб этилади.
- Ишда алдамчилик қиласлик мусулмон инсоннинг энг зарур масулиятларидан биридир.
- Ишни келишилган ва ваъда қилинган вақтда бажариш ҳам мусулмон шахснинг гўзал одоби ва масулиятидир.
- Мусулмон инсон қиладиган иш шариат ҳалол қилган амал бўлиши лозим.
- Мусулмон инсон бажарадиган иши ҳақида диннинг ҳукмини ўрганиб олиши лозим.
- Мусулмон инсон ўз ишига жиддий қарайди, ғайрат билан ишлайди.
- Мусулмон инсон ўз ризқига сабаб бўлаётган касбига меҳр қўяди ва унга вафодор бўлади.
- Мусулмон киши ўзининг ишдаги, хизматдаги ва ҳунардаги шериги билан доимо яхши муносабатда бўлади, уларни эҳтиром қиласи, ўзига яхши қўрган нарсаларни уларга ҳам яхши кўради.
- Мусулмон инсон ўзи адо қилиб турган вазифа ва ишдан шахсий манфаати йўлида фойдаланмайди.
- Мусулмон инсон ўзининг иш, хизмат ва ҳунардаги устозларини доимо эҳтиром қиласи [30].

### **2.3. Шарқ мутафаккирлари**

Тиббиёт, фалсафа, география, математика, астрономия, давлат бошқаруви, ҳалқаро алоқалар, жанг санъати, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий фикрлар тарихига улкан ҳисса қўшган давлат арбоблари, қомусий олимлар – Шарқ мутафаккирлари: Абу Наср Форобий, Абу

Райхон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулқ, Унсур ал-Маолий Кайковус, Амир Темур, Жалолиддин Давоний, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Самандар Термизий [31] асарларида кишилик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий сабаблари, адолат ва ахлоқ шаклланишининг узвий қонуниятлари, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари, давлат амалларини топширишда назорат қилиш чораларини кўриб бориш ва бунда бошқарувнинг бир маромдаги фаолиятини таъминланиш, аъёнларнинг ҳокимиятга бўлган хуфиёна интилишларини давлат манфаатларига мос равишда мувоғиқлаштириш, давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиши; устоз-шогирдлик одоби, қадрияти, мулоқот шартлари; қасб ва иш бажарувчининг одоблари ҳамда вазифалари, шунингдек, давлат хизмати кадрларига оид дастлабки қарашлар кенг миқёсда ўрганилган.

Жумладан, Форобий шундай таъкидлайди: «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи сulton (подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади» [32]. Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги демократик давлат шакллари ва унда бошқарувнинг сиёсий ва фалсафий моҳиятини яратишга эришади.

Беруний жамиятни бошқаришда жамият подшоҳга хизмат қилмай, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши кераклиги ҳақида шундай дейди: «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишидир. Бу уларнинг оиласини, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат» [33].

Яна бир мутафаккир – Абу Али ибн Сино адолатли жамиятнинг мавжуд бўлиши шарти сифатида биринчи ўринга инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ва ахлоқий муносабатларни қўяди. Унинг фикрича, юксак ахлоқ соҳиби бўлишга фақат ва фақат маърифат ёрдамида эришиш мумкин. Ибн Сино ахлоқий муносабатларнинг юксалиши жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги ва событлигини таъминлаш омили эканлигини алоҳида таъкидлайди [34].

Инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, ижтимоий вазифаси **Юсуф Хос Ҳожиб** томонидан турли йўналишларда таҳлил этилади. У ҳукмдорнинг асосий вазифаси давлат хизматларини кўрсатиш эканлигини таъкидлаб, бу вазифаларнинг энг муҳими ҳалқни озиқлантириш, кийинтириш ва уларни ташқи хавфлар ҳамда турли тажовузлардан

ҳимоя қилиш эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, асарда оддий халқ, меҳнаткаш инсон алоҳида эҳтиром билан тасвиrlанган. Айниқса, дехқонлар, чорвадорлар, хунармандлар ҳақидаги боблар илиқ меҳр билан йўғрилгандир. Асадаги турли-туман касбларнинг саноғи, бу касб-хунар эгаларида бўлиши керак бўлган хислат-фазилатларнинг баёни, айни пайтда ўша касб-хунарларига бўлган хурмат ва эътиборнинг эътирофи ҳамdir [35].

Адиб комил инсон ҳақида гапирав экан, камолотнинг қатор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алоҳида шахснинг ўз манфаатлари, шахсий истаклари доирасини ёриб чиқиб, бошқалар ғами билан ҳам яшаши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишдир.

Низомулмulkнинг «Сиёсатнома» китоби мавзу жиҳатдан кенг қамровли ва сермазмун асар. Унда давлат бошқарувига алоқадор қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, кўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар масалалари, саройдаги соқчилару посбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, почта ва айғоқчилик (разведка) ишлари, уларнинг моддий жиҳатлари, хазина ва байтулмол, элчиларга муносабат, ҳатто шоҳнинг оиласиий ишлари, унинг базм ва мажлислари, хос ходим ва шахсий соқчилари ҳақида маълумот ва маслаҳатлар бор. У ёзади: «Ҳар бир мутасариф ўз ишини қилса, мамлакат ва давлат обод бўлади. Яна бир ҳақиқат шуки, мулк ўз амалдорлари билан гўзал ва кучлидир» [36].

«Сиёсатнома»да халқнинг умумий эҳтиёжларини қондириш ҳукмдорнинг асосий вазифалари қаторига киритилган. Шунга кўра, Ҳукмдор биринчи навбатда ҳуқуқ ва адолатни таъминлайди, буйруққа риоя қилмаганларни жазолайди. Кейин, ҳукмдорнинг муҳим вазифаси бунёдкорликдир. Бу ҳолат қуидагича ифодаланади: «...Давлатни идора қилиш талабларидан яна бири бу четдан кориз қазиб сув келтириш, қишлоғу далалар ободонлиги учун катта ариқлар қазиш, қалъалар қуриш, шаҳарлар бино этиш, зебо бинолару кенг кўчалар, работлар қурдиришдир. Толиби илмлар учун мадрасалар очиш ҳам зарур, чунки бунда шоҳнинг номи абадий қолади ва унинг савобидан мулкида сулҳу тинчлик ҳосил бўлади. Аллоҳ қудратидан шу кунлар ўтган тарихда қолади ва олдинги маликлар ҳаётларини безатади, ҳалойикқа ҳеч кимга хали насиб қилмаган бирор-бир саодатни ҳадя қиласди» [37].

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида ҳам баркамол инсон, юксак маънавиятли шахс масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Юрт тақдири, равнақи ёшлар таълим-тарбиясига чамбарчас боғлиқ эканини дилдан ҳис қилган Кайковус халққа яқинлашишга, унинг манфаатини кўзлашни авлодларга уқтиради: «Эй фарзанд, ҳаргиз яхшилик қилмоқни тарк этмағил, ҳамиша яхшиликни ҳалойикқа кўргузғил, ва асло унинг аксин кўргузмағил, бошқа тил била сўзламағил», – дея ёзади [38].

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари» ҳозирга қадар жаҳон олимларини, ҳар биримизни ҳайратга солиб келмоқда. Негаки, уларда битилган сўзлар Темур даҳосининг нечоғли донишмандлигига ишора бўлиши билан бирга долзарблиги билан ҳам ғоят қадрли ва аҳамиятлидир. Бу жихатлар Темур бобомиз маънавий меросининг «Мамлакат ишлари тузуклари» қисмида келтирилган битикларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган:

«Дину-шариат ишлари тузукини тартибга келтирганимдан кейин, салтанатим корхонасининг тузукини тузишга киришдим. Салтанат ишларини қонун ва қоидалар, тўра ва тузукка солиб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим. Салтанатим обрў-марtabасини сақлаш тузуклари қўйидагилардир.

Биринчидан, салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Мухаммад)нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдириш асосида туздим. Салтанатим мартабасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Иккинчидан, сипоҳу раиятни умид ва қўрқув орасида сақладим. Дўст-душманни муросаю мадора мартабасида тутдим. Қилмишларини, айтган гапларини сабр-тоқат ва чидам билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка алмашди.

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан четда қолдирмадим. Давлатим ва салтанатим қуёши қўтарилиб келаётган вақтда менга илтижо қилиб келган яхши-ёмон одамлар, хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик қилган бўлсин, салтанат тахтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга қўйдим. Ўзимни уларнинг ёмонликларини унугландек тутиб, ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тордим.

Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синалган, шижаотли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртинчидан, очиқ юзлилиқ, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокроқда бўлишга интилдим...» [39]

Жалолиддин Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий» – тўлиқ номи «Лавоми ул-ашроқ фи макорим ил-ахлоқ» (Яхши хулқларда нурлар зиёси) китобида мухим ижтимоий-сиёсий ва

ахлоқий ғоялар илгари сурилган. Унда жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоий табақалар, давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ ва таълим-тарбия масалалари батафсил таҳлил этилган. У ёзди: «Одамлар бирлашиб бир-бирига ёрдамлашганда бошқалар тўғрисида чинакамига қайғуради, ўзаро ёрдам ва алоқа ўрнатилганида адолатнинг синалган йўллари пайдо бўлади, яшаш воситалари тартибга тушади, кишиларнинг аҳволи мустаҳкамланади ва инсон зоти сақланади» [40].

Жамият тараққий этмоғи учун адолат мезонларига қатъий амал қилинмоғи зарур. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий асарларида бунга алоҳида урғу берилган. Улуғ мутафаккир «Лисонут-тайр» асарида мана бундай ёзди: «Адл бир қўргондирки, сув солиб ииқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузилмас. Ва адл ганжидурким, кўпрак олган сайин кўпрак бўлур, озроқ харж қилсанг, озроқ бўлур» [41]. Дарҳақиқат, моддийлик қийматига эга бўлган ҳар қандай мулкнинг маълум бир бўлаги ишлатилса, у камаяди. Лекин Навоий таъкидича, одиллик сувда ииқилмайди, оловда куймайди, қанча сарфлассанг, шунча кўпаяди.

«Вақфия» асарида ҳазрат Навоий жамият адолатсизликдан, тараққиётга тўсиқ бўладиган турли иллатлардан холи бўлиши зарурлигини қуидагича бадиий талқин этади:

*To ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас:  
To нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.  
To зулму ситам жонига бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас* [42].

Ана шу фикрларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, ҳазрат Алишер Навоийнинг адолат мезони юксак бўлган. Унинг учун қонун ҳар нарсадан устун ҳисобланган.

Ҳусайн Воиз Кошифий ўз асарларида сиёsat, давлатни бошқариш масалалари бўйича ўз даври учун муҳим фикрларни олға суради. У давлатни одилона боқаришда сиёsatдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди:

«Шариат қоидаси бўлмаса, ҳеч бир ҳақ ўз жойида қарор топмайди ва сиёsat забти йўқ бўлса, шариат ва дин ишида тартиб бўлмайди.

Байт:

*Ўғирсалар сиёsat тигин, элга қилмаса зоҳир,  
Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким қодир.*

Демак, подшоҳлар сиёsatи шариатга ривож берувчиidir, шариат ҳукмлари эса уларнинг мамлакатларига қувват етказувчиidir.

Қитъа:

*Кўкламас давлат ниҳоли мулк bogи саҳнида,*

*Гар равон эрмас анинг сори шариат чаимаси.*

*Лек буким, шаръи миллат чаимаси жорий эмас,*

*Турмаса гар онинг устида сиёсат сояси.*

*Хакиқатан ҳам, оламнинг мадори ва мамлакат қарори сиёсат устидадир» [43].*

Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асари подшоҳларга атаб ёзилган бўлса ҳам, мамлакат ёшларини маънавий ҳалол, пок, иродаси мустахкам, сабр-тоқатли, Ватанга содик кишилар руҳида тарбиялаш хусусидаги аҳамияти ниҳоятда каттадир. У ёзади:

«Азизим, Аллоҳ амалдорларга давлатни бошқариш учун қулай вазиятни яратди, тақдир қўли улар учун улуғлик чодирини, баҳт кошонасини қурди. Бундоқ қулай бир пайтда барча амалдорлар шундай улуғ, азим ишлар қилишлари керакки, у ҳалққа осойишталиқ, фаровонлик, дину иймонга шон-шараф келтирисин, дунёвий ҳаётни, маънавиятни таърифтавсиф этишга хизмат қилсин. Уларнинг тириклигига амалга оширган шу улкан, олижаноб ишлари ўлганларидан кейин ҳам гуноҳларини ювишга сабаб бўлсин» [44].

#### **2.4. Ғарб олимлари (XV – XIX асрлар)**

Шунингдек, XV – XIX асрларда Ғарб олимлари Никколо Макиавелли, Томас Гоббс, Жон Локк, Шарль Монтескье, Иммануил Кант, Жан Жак Руссо, Томас Жефферсон ва бошқалар томонидан сиёсий ҳокимият, хуқуқий давлат қурилиши концепциясининг замонавий таълимоти ҳамда унинг тушунчалари ривожлантирилди.

Янги давр сиёсий фанининг асосчиси дея тан олинган италян гуманисти Никколо Макиавелли мақсад ҳокимиятни эгаллаш, сўнгра эса уни тутиб туришдан иборат бўлиб, бошқа ҳамма нарса, шу жумладан, ахлоқ ва дин ҳам восита деган ғояни илгари суради. У шундай ёзади: «Агар ҳукмдор ҳалқ ёрдамида ҳокимиятга келган бўлса ҳалқнинг дўстлигини сақлашга доим уриниши керак, зероки бу қийин ишмас, чунки ҳалқ фақат ўзини алдов ва ҳийладан ҳимоя қилишни сўрайди. Агар ҳукмдор ҳалқнинг истагига зид ўлароқ, зодагонлар ёрдамида ҳокимиятга келган бўлса ҳам, барибир ҳалқ раъини ўзига қаратмоғи унинг биринчи вазифаси бўлмоғи лозим. Бу жуда осон, фақат уни ҳимояга олмоқ керак... Хулоса сифатида шуни айтишим керакки, ҳукмдор ҳалқ меҳрини қозониши керак, акс ҳолда қийин қунларда, албатта, ҳокимиятдан ағдарилади» [45].

«Давлатнинг қандайлиги ҳақида хулоса чиқариш учун аввало одамларнинг ахлоқи, қизиқишилари ва феъл-атворини ўрганиш жоиздир», деган инглиз файласуфи Томас Гоббс жамият тараққиёти ва унда давлатнинг ўрни ҳамда келиб чиқиши масаласида кўпроқ хусусий мулкчиликка асосланади. Шу билан бирга, унинг фикрича, давлатнинг монархия шакли мақсадга мувоғик бўлиб ҳисобланади [46].

Инглиз файласуфи Жон Локкнинг социал-сиёсий таълимоти «Бошқариш ҳақида икки рисола» асарида ўз ифодасини топган бўлиб, унда инсоннинг тўла озодлиги ва

одамларнинг тенглиги гояси ётади: «Тўла озодлик ҳолати хатти-ҳаракат эркинлигини ва ўз мулкидан бемалол фойдаланиш эркинлигини англатади. Бунда шахс ҳеч кимнинг иродасига боғлиқ бўлмайди ва ҳеч кимдан рухсат сўрамайди. Тенглик ҳолати шуни англатадики, кишилар туғилишиданоқ бир хил ҳуқукка, бир хил табиий устунликка эга бўладилар, бинобарин, улар ўзаро муносабатларда тенг бўлишлари керак. Агар Худо бир кишини бошқа киши устидан ҳукмон қилиб қўймаган бўлса, кишилар бир-бири билан тенг муносабатда бўлиши лозим...

Жамият қонуни инсонни табиий эркинлик доирасида мавжуд бўлган ўзбошимчаликлардан муҳофаза қиласди. Кишилар табиий эркинликдан кечиб, сиёсий ҳокимиятга буйсунадилар. Сиёсий ҳокимият мулкни бошқариш ва сақлаш учун ўлим ва бошқа чораларни кўзда тутувчи қонунлар қабул қилиш, бу қонунларни ижро этиш учун куч ишлатиш, давлатни ташқи ҳужумлардан ҳимоя этиш ҳуқуқига эгадир – ана шуларнинг бари ижтимоий фаровонлик учун амалга оширилади» [47].

Машҳур француз адаби, ҳуқуқшуноси ва файласуфи **Шарль-Луи де Монтескье** «Қонунларнинг рухи тўғрисида» номли фундаментал асарида демократия, эркинлик ҳақида тўхталиб шундай ёзади: «Сиёсий эркинлик хоҳлаганча иш тутиш дегани эмас. Эркинлик қонун йўл қўйган ҳар қандай ишни бажариш ҳуқуқи билан белгиланади. Агар фуқаро қонунда тақиқланган ишга қўл урса, эркинлиқдан маҳрум бўлади» [48].

Германиялик мутафаккир **Иммануил Кант** ўзининг асосий эътиборини инсонларнинг қонунларга қатъий амал қилишларининг ҳамда давлат тузилишининг фалсафий муаммоларига қаратади. Унинг фикрича, инсонлар жамоасининг табиий ҳолати – бу жамоада мажбур этувчи қонунларнинг мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Бу шубҳасиз, инсонлар жамоасининг ёввойи ва эркинлиги жиловланмаган ҳолатидир. Ушбу ҳолат ҳар бир инсоннинг барча инсонлар билан, барчанинг бир инсон билан бўладиган уруши – курашидир. Бу, албатта, ахлоқ нуқтаи назаридан адолатсизликдан ўзга нарса эмас. Аммо ҳар бир инсоннинг барча билан урушига боғлиқ ҳолатни четлаб ўтиш учун, инсон фуқаровий жамиятга бирлашмоғи зарур. Мазкур жамиятнинг асосини эса, ҳар бир инсоннинг бир-бирига нисбатан тенглигини сўзсиз урнатувчи ҳуқуқ ташкил этмоғи лозим [49].

**Жан Жак Руссонинг** фикрича, давлат республика шаклида бўлиб, на бойлар ва на камбағаллар бўлишига йўл қўйилмаслиги керак. Халқнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи олий орган – халқ мажлислари тузилмоғи кўрсатилган. Бу орган чиқарган қарорлар ҳукумат ва ҳукмон ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий деб ҳисобланган. Кўриниб турибдики, бир пайтлар идеал ғоя деб саналган Руссонинг қарашлари бугунги кунда кўплаб ривожланган давлатларнинг сиёсий тизимлари негизини ташкил этади [50].

«Озодликнинг қиймати – муттасил огоҳлик» ғоясини илгари сурган АҚШнинг учинчи президенти **Томас Жефферсон** «мамлакат ривожининг отаси» сифатида эътироф этилади. Жефферсон президентлик йилларида эркинлик, тенглик принципларини амалда намоён этиш мақсадида давлат бошқарувига янги амалиёт ва тажрибаларни қўллаган. Бу эса АҚШнинг тараққиёт тарихида туб бурилиш ясаган. У ўзининг сиёсий қарашларида монархия бошқарувини рад этиб, демократик сайловларга асосланган республика бошқарувини қўллаб-қувватлайди. 1776 йилда «АҚШ мустақиллиги баёноти»да ўз сиёсий қарашини шундай ёзади: «...ҳамма одамлар teng қилиб яратилганлар ва уларнинг ҳаммалари ўзларини яратувчи томонидан (туғма ҳамда ажралмас) шак-шубҳасиз ҳуқуқлар билан инъомланганлар, бундай ҳуқуқлар қаторига ҳаёт, эркинлик ва бахт-саодатга интилиш киради» [51].

Ғарб жамиятларида XVIII аср ўрталаридан кейин фаол ривожланган классик иқтисодиёт назариётчилари – А.Смит, унинг энг яқин издошлари (“Смитчилар”) доктор Ж.Андерсон, Лодердейл, Т.Малтус, Т.Тук, Р.Торренс, Ж.Марселар “давлатнинг хизмат соҳасини имкон қадар қисқартириш керак” деган тамойилни олға сурдилар. Хусусий сектор чексиз тадбиркорлик фаолияти эркинлигига эга бўлиши кераклигини таъкидлаган классик иқтисодчилар давлатга жандармерия вазифасини юкладилар. Уларга кўра, **мудофаа, адолат ва хавфсизлик каби масалаларни давлат хизматлари иштирокида давлат томонидан таъминланиши белгиланди, давлатнинг иқтисодий жабхада хеч қандай аралашуви бўлмаслиги жуда муҳим** эканлиги кўрсатилди [52].

«Мамлакатни энг чуқур қолоқликдан фаровонликнинг юқори босқичига олиб чиқиши учун фақатгина тинчлик, енгил солиқлар ва бошқарувдаги бағрикенглик кифоя қиласи, қолганларини эса воқеаларнинг табиий оқими бажаради», деб ёзган Эдинбург университетининг профессори **Адам Смит** фикрича, меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришда ихтисослашув меҳнат унумдорлигини ошириш, бунинг натижаси ўлароқ бойликни оширишнинг асосий усули ҳисобланади. Ўз-ўзига қўйиб берилган бозор тизими ривожланади, бундай тизими бор халқнинг бойлиги ортаверади [53].

## **2.5. Миллатимиз ойдинлари – жадидлар**

Ўз тарихи давомида турли ўзгаришларни бошидан кечирган давлат хизмати XX асрда тубдан фарқ қиласиган шиддатли ва айни пайтда ўта мураккаб даврга юзма-юз келди. Мазкур асрда катта урушлар, иқтисодий инқирозлар, юқори технологик ўзгаришлар ва глобаллашув кабилар ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатди.

Айни шу даврда халқ маънавиятини бойитиш йўлида олиб борилган курашлар, миллий матбуот, адабиёт ва театрнинг одамлар тафаккурини оширишдаги аҳамияти ҳақида асарларида куюниб ёзган, бу борада фидойилик кўрсатган, алалоқибат қатағонга учраган

миллатимиз ойдинлари – Махмудхўжа Беҳбудий, Исъоқхон Ибрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир [54] асарларида ёш авлод вакилларининг комилликка эришиши, ёшлар онгида маънавий-маърифий қадриятлар, таълим-тарбия, инсонпарварлик, адолатлилик ғояларини шакллантириш ва ривожлантириш; солиқларни камайтириш, дехқонлар аҳволини яхшилаш, амалдорлар ўртасида авж олган порахўрликка барҳам бериш ва уларнинг ҳақ-хуқуқларини чеклаш каби масалалар ёритилган. Ушбу ғоялар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмади, шу боис буюк ватандошларимиз фаолиятини ўрганиш ҳар биримиз учун ниҳоятда хайрлидир.

Жадидчилик ўз тарихи давомида икки босқичдан ўтган: биринчиси – маърифатчилик босқичи, иккинчиси – сиёсий босқич. Жадидларнинг давлатчилик масаласига доир қарашлари биринчи босқичдаёқ шакллана бошлаган, иккинчи босқичда эса тутал шаклга эга бўлган. Улар ўтмишга назар солиб, жамиятдаги барча салбий жиҳатларни миллий давлатчиликнинг бой берилиши билан боғлашган. Масалан, Махмудхўжа Беҳбудий фикрича, хонликлар ўтган 50 йил давомида дунёдан узилиб қолган ва жаҳонда эришилган ютуқлардан фойдаланишдан маҳрум бўлган, бу миллий давлатчиликнинг бой берилишига олиб келган, бу мустамлакачилик зулми остида қолиш сабабларидан биридир. Мустамлакачилик тизими Туркистон халқларини ўzlари билмайдиган европача қонунлар асосида яшашга мажбур қилди, ўз ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш учун эса саводли бўлиш зарур [55]. Беҳбудийнинг яна бир ғояси – халқни бирлаштириш, жипслаштириш ғояси эди: «Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Қозогистондаги ва Туркманистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яхудий ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу муҳториятнинг амалға келишиға саъй ва эҳтимом этмоғимиз лозимдур. Агарда бизга ўз бошимизға, шариат, урф ва одатимизға мувофиқ тирикчилик қилмоқ керак бўлса, ҳаммамиз вақтли низоъ ва «манман»лиқни қўйиб, ҳамма нарсани эсимиздан чиқориб, ёлғуз «муҳторият» учун ҳар нимарсамизни фидо этмоғимиз лозимдур. Мундай фурсат ва замоннинг бизға қайтиб келиши маълум йўқ, қадрини билиб ишламоқ керакдур. Вақт ўтгандан сўнгра ўқинмоқ фойда этмас» [56].

Исҳоқхон Ибрат ижодидаги етакчи ғоя илм-маърифат, маданият ва техника янгиликларини тарғиб қилиш ғоясидир. Ибрат маърифатпарварлигининг туб моҳияти шундаки, унинг илм-маърифатга чақиравчи шеърларида инсон тақдирни биринчи ўринда турди. У халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётига хизмат қилувчи, унинг мушкулини енгиллаштирувчи, узоғини яқин қилувчи илм-фанни, техникани тарғиб этди. Шу нуқтаи назардан, унинг «Тарихи чопхона», «Маданият ҳақида маснавий», «Газета хусусида»,

«Туркистон ахдига хитоб», «Табрик Наманғондин», «Қалам», «Тарихи манзумаи вагон Ибратдин ёдгор», «Мұхаммаси Ибрат» каби шеърлари диққатта сазовор. Шоир бу шеърларида мамлакатни, халқни асрий қолоқлиқка судровчи мутаассибларни, қадимчиларни кескин фош этди. Ибрат мәхнаткаш халқ бошидаги оғир ҳаёт, қашшоқлик, мамлакатнинг қолоқлиқда, халқнинг нодонликда қолганининг сабабларини аниқлашга, ундан күтқариш йўлларини топишга ҳаракат қилди. Бир неча тарақкий этган мамлакатларда бўлган Ибрат халқни зулматдан, мамлакатни қолоқлиқдан қутқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатни эгаллаш деб тушунди [57].

Мунаввар қори «Оврупо ва Амриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёning энг нариги бурчаклари билан воситасиз хабарлашар бир ҳолға, бир маданиятга етишдилар», – деганда бизнинг-да халқимизни истиқлолга олиб чиқиб, ватанимизни жаҳон мезонидаги давлатга айлантиришини орзу этган эди. У шундай ёзади: «Чор ҳукуматини йиқитиши жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда насия ёзадургон ходимлар етказсак. Шу ишга ақлли одам шу баҳони беришда у ёқ, бу ёқни мулоҳаза қилсин. Жадид мактаби очишимизга сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш баҳоси берулмаганига таассуб билдира олмай ўта олмайман. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўша вақтдаги жадид мактабини битириб чиққан баъзи йигитларимиз ҳозир масъул ўринларда туради. Жадидлар чор ҳукуматини йиқитиб, Туркия ёки Польшага ўхшаш бойлар ҳукумати ташкил қиласди, деган назариялар ҳам йўқ эмас эди» [58].

Авлонийнинг фикри бўйича ахлоқли инсонни тарбияламасдан туриб ёрқин келажакни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис у инсон фаолиятининг турли кўринишларига ва характеристи чизгиларига ахлоқий мезонлар орқали қарайди. Олимнинг таъкидлашича: «Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжаларининг орасида хамир каби эзилгандек, афъоли замимадан ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшатолмас. Илм ва маърифат соҳиблари, фазли камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва мушоҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсанинг моҳиятини мушоҳада қилурга ақл ва фаросатлари етмас» [59].

Фитрат юртни тараққиётдан орқада қолиб кетаётганига урғу бериб, мамлакатни таназзулдан, халқни ночор аҳволдан күтқариш учун илм-фанни ривожлантириш зарурлигини уқтиради. У ижтимоий алоқалар ҳақида тўхталиб шундай дейди: «Сидқ жамики ҳукуқларимиздан фойдаланишимиз ва барча вазифаларимизни адо этишимиздир. Сидқ ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломнинг афзал бўлган сифатларидан бири эди. Сидқ икки дунё саодатига етакловчидир. Бу дунёда мўътабар, охиратда баҳтиёр бўлишни

истаганлар ўзларида сидқни пайдо қилиб, доимий одатларига айлантиришлари керак. Ижтимоий алоқаларнинг ягона назоратчиси сидқу садоқатдир. Вакилларининг орасида сидқ бўлмаган миллат хоҳласа-хоҳламаса паришонликка мубтало бўлади. Бир миллатнинг вакиллари сидқ сабабли бир-бирларига ўзаро ёрдам берадиган ва бир-бирларидан фойда оладиган бир оила аъзолари кабидирлар. Агар бир оиласда сидқ бўлмаса, у уйда осойишталик ҳам бўлмайди. Инчунин, миллат аъзоларининг орасида садоқат бўлмаса, роҳат, боқийлик ҳам бўлмайди. Хулоса қилсак, одамларимиз орасида садоқат бўлишлиги ҳамма нарсадан ҳам зарурроқ. Зеро, биз жамиятимизни ислоҳ қилмоқчимиз, бир-бирилизнинг кўмагимизга муҳтожмиз, мадад беришлик муҳаббатнинг бошланишидир, муҳаббат эса садоқатнинг натижасида ҳосил бўлади...» [60]

Адабиётга маърифатпарвар сифатида кириб келган Чўлпон озодлик, тенглик, адолат, мустақилликнинг кўрқмас куйчиси ва зулм, ёвузиқ, босқинчилик, талончиликнинг ашаддий душмани сифатида шухрат қозонди. Унинг қалби, орзу-армони шеъриятигагина эмас, балки бутун ижодига синггиб кетган эди. «Замона хотини» (1928) пьесасида Раҳима хола тили орқали Чўлпон «Билингки, ҳукумат чироғ: сизнинг қўлингизда ўғирликка ишласа, менинг қўлимда тўғриликка ишлайди», деб ёzádi. «Дўхтур Муҳаммадёр» (1914) ҳикоясида Муҳаммадёр тилидан шундай дейди: «Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупо дорилғунулариға болаларини юборса, дўқтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогарлар ва мухандис(инженер)лар чиқса, бунларнинг ҳар бири ўз вазифаларида туруб ишларин тартиби ила юргузсалар ва халқимизнинг фойдасини кузатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди...» [61]

## 2.6. Бугунги кун

Бугунги кунда юртимиз олимлари томонидан давлат фуқаролик хизматига оид масалалар билвосита ва бевосита тадқиқ этилиб, бу жараён ҳозирги кунда, яъни, туб ислоҳотлар амалга оширилаётган янги даврда ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Биринчидан, давлат фуқаролик хизматининг назарий-методологик ва концептуал жиҳатлари **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев** асарларида ҳар томонлама ва тизимли тарзда ёритиб берилган. Уларда давлат фуқаролик хизматининг Янги Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳамда улар олдида турган долзарб масалаларга оид концептуал ғоя ва фикрлар мавжуд. Иккинчидан, **миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизимни шакллантиришнинг умумий масалалари ҳамда давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини** ўрганган ўзбек олимларидан Х.Одилқориев, А.Саидов, О.Хусанов, Н.Саид-Газиева, Э.Хожиев, Д.Раҳимова, А.Қодиров, Ш.Асадовлар [62], шунингдек, давлат бошқарув кадрлари ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тарихи, миллий

ўзига хослиги, унинг сиёсий, маънавий, ахлоқий жиҳатларини ўрганган Қ.Абдураҳмонов, М.Бекмуродов, А.Юлдашев, И.Эргашев, А.Сагдуллаев, Қ.Куранбоев, Т.Алимардонов, Ф.Равшанов каби олимлар [63] ҳамда тадқиқотчиларнинг шу мавзудаги асарларини қайд этиб ўтиш мумкин.

## 2.7. Давлат фуқаролик хизматининг давлат бошқарувидаги ўрни

Давлат фуқаролик хизматининг давлат бошқарувидаги ўрнини таҳлил қилишдан олдин, «давлат бошқаруви» атамасининг маъносига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. «Конституциявий ҳуқуқ» энциклопедик луғатида шундай таъриф берилган:

**Давлат бошқаруви** – бу ижтимоий бошқарувнинг бир тури бўлиб, жамиятни бошқаришдир. Давлат бошқаруви жамият аъзоларининг биргаликдаги ҳаракатларини бир бирига мослигини ва интизомини ҳам таъминлайди. Давлат бошқарувини давлат бошқарув органларининг амалий фаолияти сифатида тавсифлаш мумкин. Шунингдек, у ижроия ҳокимият идоралари томонидан давлат ҳаётининг муайян соҳаларига ва объектларига раҳбарликни амалга ошириш фаолиятидир.

Давлат бошқаруви бу ташкил этувчи фаолиятдир. Турли даражадаги ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давомида хўжалик юритиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий сиёсий курилиш соҳасидаги вазифаларни бажарувчи кишиларнинг биргаликдаги фаолияти ташкил этилади. Бу мақсадда давлат бошқарув органлари бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни амалга оширадилар, бошқариладиган тизимларнинг фаолият кўрсатиш билан боғлиқ умумий масалаларни ҳал қиласидилар, бошқариш муносабатлари қатнашчиларининг фаолиятларини бирлаштирадилар ва мувофиқлаштирадилар.

Давлат бошқаруви жамият турмушининг қандайдир алоҳида элементини эмас, балки унинг барча соҳасини қамраб олади. Давлат бошқаруви марказлашган ёки оператив шаклда амалга оширилади. Марказлашган раҳбарлик қилиш фаолиятни мувофиқлаштириш, унинг умумий йўналишини аниқлаш, умумий қоидаларини белгилашдир. Оператив бошқарув органи ва объект ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа билан ифодаланади.

Давлат бошқаруви принциплари – бу шундай бошқарувни амалга оширувчи энг муҳим раҳбарий ғоядир. Давлат бошқаруви принциплари: демократизм, ҳокимиятлар тақсимланиши, қонун устунлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устувор таъминланиши, ижтимоий адолат ва қонунийлик, ошкоралик, коллегиаллик ва яккабошчиликнинг уйғунлиги ва бошқалар [64].

Профессор **Баҳодир Эшов** бошқарув муайян жамоа ёки ташкилот аъзоларининг фаолият йўналишини таъминлайдиган, бутун ташкилот ва унинг бўлимларини белгиланган мақсад доирасида ушлаб турадиган, фаолият турларига кўра, жамиятнинг барча

жабҳаларида ўзига хос тузилмага эга бўлган, муайян раҳбар кадрлар томонидан амалга ошириладиган вазифа эканлигини эътироф этади [65].

Юкорида исмлари зикр этилган олимларнинг фикрларини ҳар томонлама таҳлил қилиш жараённида шу нарса аён бўладики, жамиятдаги инсон фаолияти таъсирида рўй берадиган жараёнлар ҳамда воқеа-ходисалар бевосита бошқарув фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечади. Давлат фуқаролик хизмати ходимлари давлат органларининг вазифалари, функциялари ва ваколатларининг бажарилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам давлат фуқаролик хизмати соҳасида, бизнингча, бошқарув тамойиллари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга катта аҳамият берилмоқда.

Бизнинг фикримизча, давлат фуқаролик хизмати бутун жамият манфаатларини кўзлаб яратилган бўлиши, унинг мақсади «сиёsat билан шуғулланувчи раҳбарлар» манфаатларига эмас, балки давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилиши жуда ўринлидир. Ушбу амалиётнинг жорий этилиши давлат фуқаролик хизматининг ижтимоий аҳамияти янада ошиб, сиёсий имижи ошишига сабаб бўлади.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда давлат бошқаруви тизимидағи ислоҳотларни ҳисобга олмасдан туриб, давлат фуқаролик хизматини аср бошидаги қарашлар билан тушунтириб бўлмайди. Зотан давлат бошқаруви соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар натижасида давлат муассасаларининг юкори раҳбарларининг фаолият доираси кенгайди. Бу борада бурч, ваколат ва масъулият ортиб, институтларни якка тартибдаги ташаббуслардан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик рухи билан бошқариш рағбатлантирилди. Замон талабларига мос равишда фуқароларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган давлат хизмати, давлат фуқаролик хизмати ёндашуви яратилди. Бундай ёндашувни яратишда давлат бошқарувининг асосий вазифаси жамият манфаатини таъминлашдан иборатлиги ҳисобга олиниб, давлат хизматига оид фаолиятни амалга оширишда жамият манфаати устуворлиги таъминланди. Шундай экан ҳозирда давлат фуқаролик хизматларининг самарали, тезкор ва сифатли кўрсатилишига аҳамият берилаётган бўлса-да, аввало одамлар манфаатини эътибордан четда қолдирмаслик талаб этилади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Янги Ўзбекистоннинг давлат фуқаролик хизматида катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Алоқа ва транспорт технологияларининг ривожланиши, урбанизациянинг тезлашиши ҳамда шаҳар аҳолисининг кўпайиши каби омиллар давлат фуқаролик хизматларига бўлган талабни оширди. Таълим даражаси ва билим кўлами ортиб бориши туфайли одамлар ўз фикрини эмин-эркин ифода қилиши, ўз ҳақ-хуқуқларини талаб этиши ортди. Бу ҳолат давлатдан талаб қилинадиган фуқаролик хизматларида сифатни бирламчи ўринга қўйишни

юзага келтирди. Мижозларга йўналтирилган бошқарув ёндашувининг талаби сифатида сифат стандартларини ошириш ва сухбатдошларнинг қониқишини ошириш устувор мақсадлар қаторига қўшила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «**Бугун хаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юрга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишини талаб этмоқда**» [66] деган фикрлари Янги Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизматининг сиёсий имижини ошириш зарурати, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда тутган ўрни ва иштироки билан боғлик реал ҳолатни аниқ баҳолашга, ундаги ўзгаришлар ва тенденцияларни ўрганишга ҳамда мавжуд муаммолар бўйича муайян хуносалар чиқаришда муҳим илмий, назарий ва амалий аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Hennessy P., Normington D. The Power of Civil Servants. – London: Haus Publishing, 2018.
2. Dawson R.S. The Chinese Experience. – Orion Books: Phoenix Press, 2019; Rossabi M. A History of China. – Wiley-Blackwell, 2019; Ebrey P.B. Pre-Modern East Asia. – Cengage Learning, 2013; Dillon M. China. A Historical and Cultural Dictionary. Durham East Asia Series. – Richmond: Curzon Press, 1998.
3. Christopher J. Fuhrmann (13 December 2011). Policing the Roman Empire: Soldiers, Administration, and Public Order. Oxford University Press. pp. 62; Marietta Horster, "Living on Religion: Professionals and Personnel," in A Companion to Roman Religion (Blackwell, 2007), p. 334; Daniel Peretz, "The Roman Interpreter and His Diplomatic and Military Roles", Historia 55 (2006), p. 452.
4. Bodde, Derke. "China: A Teaching Workbook". Columbia University. Archived from the original on 2012-01-04. Retrieved 2012-08-05.
5. Mark W. Huddleston, William W. Boyer (1996). The Higher Civil Service in the United States: Quest for Reform. University of Pittsburgh Press. ISBN 978-0822974734.
6. Hood, Christopher (1 March 1991). "A Public Management for all Seasons?". Public Administration. 69 (1): 3–19. doi:10.1111/j.1467-9299.1991.tb00779.x. and Hood and Jackson 1991
7. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. – Т.: «Янги аср авлоди», 2013. – Б. 353.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. // А.Мадалиев таҳрири остида. Бешинчи жилд. – Тошкент, ЎзМЭ, 2007. – Б. 395-396.

9. Drewry G. and Butcher T. Civil Service Today. – Oxford: Basil Blackwell. 1988, – P. 296.
10. <https://dictionary.cambridge.org/ru>
11. Хожиев Э.Т., Исмаилова Г.С., Рахимова М.А. Давлат хизмати: ўкув қўлланма. – Тошкент: Baktria press, 2015. – 9 б.
12. Сайд-Газиева Н.Ш. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этиш масалалари. – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б. 49.
13. Абдураҳмонов К.Х., Холмўминов Ш.Р. ва бошқалар. Персонални бошқариш. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – Б. 41.
14. Andersen vd., L. B. (2013). Public Values and Public Service Motivation: Conceptual and Empirical Relationships, American Review of Public Administration, 43(3), ss. 292-311; Guillem Ripoll and Carina Schott, “Does public service motivation foster justification of unethical behavior? Evidence from survey research among citizens“ (Vol. 26, No. 6, pp. 1–22).
15. Хожиев Э.Т., Исмаилова Г.С., Рахимова М.А. Давлат хизмати: ўкув қўлланма. – Тошкент: Baktria press, 2015. – 15 б.
16. Gözübüyük Ş. Yönetim Hukuku. – Ankara: Turhan Kitabevi. 2003; Günday M. İdare Hukuku, 10. b., – Ankara: İmaj Yayınevi. 2015; Ulusoy A. Kamu Hizmeti incelemeleri, – İstanbul: Ülke Kitapları. 2004; Ноздрачев А.Ф. Государственная служба. – Москва: Статут, 1999; Василенко И.А. Государственная и муниципальная служба. – Москва: Кнорус, 2018; Овсянко Д.М. Государственная служба Российской Федерации. – Москва: Юристъ, 2005.
17. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида. <https://lex.uz/mact/6145972>
18. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида. <https://lex.uz/mact/6145972>
19. Walle S.V., Scott Z. The Role of Public Services in State-and Nation-Building: Exploring Lessons from European History for Fragile States. GSDRC Research Paper. – University of Birmingham. 2009. – P. 9.
20. Besley T., Ghatak M. Reforming Public Service Delivery. – Journal Of African Economies. 2007. Volume 16, AERC Supplement 1, – P. 127-156.
21. United Nations-Economic Commission for Europe. (2000, – P. 5). Guidelines on Public-Private Partnerships For Infrastructure Development, 2000, <http://www.mfcr.cz/assets/en/media/Guidelines-on-Private-Public-Partnership-for-Infrastructure-Development.pdf> (02.01.2017).
22. Лазарев В.В., Липень С.В., Саидов А.Х. Теория государства и права: Учебник. Под ред. акад. Абдурахманова К.Х. – Т.: «Akademiya», 2007. – С. 736.

23. Аристотель. Политика // Аристотель. Сочинения: В 4 т. (Перевод с древнегреч. С.Жебелева). – М.: «Мысль», 1983. Т. 4. – С. 376 – 644.
24. Лао-Цзи. Дао фазилатлар китоби. – Т.: «Академнашр», 2020. – Б. 112; Конфуций. Сұхбат ва мұлоҳазалар (Лун Юй). – Т.: «Янги аср авлоди», 2014. – Б. 272; Сун Цзи, Гари Галиарди. Жанг ва маркетинг санъати. – Т.: «Hamroh Books», 2021. – Б. 156.
25. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. – Т.: «Янги аср авлоди», 2014. – Б. 25.
26. Саҳиҳи Бухорий шарҳи. 1-2-жиллар. – Т.: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси, 2022, – Б. 416; Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Одоблар хазинаси (Имом Ал-Бухорий «Ал-адаб Ал-Муфрад» китобининг шарҳи). 1, 2, 3, 4-жуздлари. – Т.: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси, 2020 йил; Абу Мансур Мотуридий. Таъвилот ал-Қуръон. – Т.: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси, 2022, – Б. 672; Уватов У., Оқилов С., Даминов Э. Мотуридия таълимоти ва Абу Муин Насафий илмий мероси. – Т.: «Мовароуннахр», 2018, – Б. 308; Абу Ҳомид Фаззолий. Эй фарзанд! – Т.: «Hilol-nashr» нашриёт-матбааси, 2022, – Б. 88; Абу Ҳомид Фаззолий. Мукошафат-ул қулуб. – Т.: «Адолат» нашриёти, 2002, – Б. 288; Абу Ҳомид Фаззолий. Кимёи саодат. – Т.: «Ғафур Ғулом», 2018, – Б. 304; Бурхонуддин Марғиноний. Ҳидоя. 1, 2, 3-жуздлари. – Т.: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси, 2021 йил; Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф (Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Бухорий «Ниқоя» китобининг шарҳи). 1, 2, 3-жуздлари. – Т.: «Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси, 2022 йил; Наврӯзова Г.Н. Ҳожа Баҳоуддин Накшбанд хаёти ва маънавий мероси. – Т.: «Фан» нашриёти, 2021, – Б. 244; Ҳамдамов И.А. Ҳожа Ахрор Валий тасаввуфий меросининг ижтимоий-фалсафий моҳияти. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Бухоро, 2021.
27. Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа. Ал-Адаб ас-сағир ва ал-адаб ал-кабир. – Байрут: «Дор Байрут», 1977. – Б. 70.
28. Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ мувозанати. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – Б. 46.
29. Фахруддин Али Сафий. Раşaҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари). Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – Б. 333.
30. Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Ижтимоий одоблар. – Т.: «Hilol-Nashr» нашриёт матбааси, 2022. – Б. 456.
31. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Янги аср авлоди» нашриёти, 2016, – Б. 320; Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. I том («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»). – Т.: «Фан» нашриёти, 1968, – Б. 464; Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. II том («Ҳиндистон»). – Т.: «Фан» нашриёти, 1965, – Б. 488; Абу Али ибн Сино.

Мен англаган дунё. – Т.: «Шарқ» нашриёти, 2015, – Б. 272; Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари (Уч жилдлик сайланма). – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, – Б. 304; Юсуф Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: «Фан» нашриёти, 1971, – Б. 160; Низомулмұлк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук). Иккинчи түлдирилған, қайта ишланған нашри. – Т.: «Янги аср авлоди» нашриёти, 2008, – Б. 312; Кайковус Ұнсурулмаолий. Қобуснома. – Т.: «Истиқлол» нашриёти, 1994, – Б. 174; Темур тузуклари. – Т.: «Yangi kitob» нашриёти, 2020, – Б. 240; Алиқұлов Ҳ. Жалолиддин Давоний (XV аср Шарқининг етук алломаси). – Т.: «Ўзбекистон», 1992, – Б. 64; Алишер Навоий. Мұкаммал асарлар түплами. 20 жилдлик. – Т.: «Фан» нашриёти, 1987 – 2003; Ҳусайн Воиз Кошифий. Аҳлоқий мұхсиний. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2011, – Б. 376; Бобур Захириддин Мұхаммад. Бобурнома (ҳозирги ўзбек тилида). – Т.: «Yangi kitob» нашриёти, 2019, – Б. 448; Термизий Ҳожа Самандар. Дастан ул-мулук: Подшоҳларга қўлланма. – Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997, – Б. 272.

32. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, – Б. 190.

33. Абу-р-Райхан Мухаммад ибн Ахмад ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). – Л.: Издательство Академии наук СССР, 1963, – С. 31-32.

34. Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Т.: Абу Али ибн Сино нашри, 2000. – Б. 106 – 108.

35. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig: (Saodatga eltuvchi bilim). [Hozirgi o‘zbek tilida bayon qiluvchi va so‘zboshi muallifi Boqijon To‘xliyev]. – Т.: Cho‘lpon nomidagi nashriyotmatbaa ijodiy uyи, 2007. – В. 8.

36. Низомулмұлк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук). Иккинчи түлдирилған, қайта ишлаған нашри. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. – Б. 13, 157.

37. Низомулмұлк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулук). Иккинчи түлдирилған, қайта ишлаған нашри. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. – Б. 17.

38. Кайковус Ұнсурулмаолий. Қобуснома. – Т.: «Истиқлол» ноширлик маркази, 1994. – Б. 30.

39. Темур тузуклари / форс тилидан ўзбек тилига ўгирган таржимонлар: А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. – Тошкент: «Yangi kitob», 2020. – Б. 127-128.

40. Алиқұлов Ҳ. Жалолиддин Давоний: [XV аср Шарқининг етук алломаси]. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – Б. 70.

41. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. МАТ. 20 жилдлик, 1 Ж. 2. – Т.: «Фан», 1996. – Б. 20.

42. Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб; Муншаот; Вақфия. МАТ. 20 жилдлик, 14 Ж. 3. – Т.: «Фан», 1998. – Б. 258.
43. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний; Ахлоқи мухсиний / нашрга тайёрловчилар: Аминов М., Хасанов Ф. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2011. – Б. 263.
44. Хожа Самандар Термизий. Дастан ул-мулук: Подшоҳларга қўлланма / Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи: Эсонов Ж. – Т.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – Б. 89.
45. Макиавелли Н. Ҳукмдор. – Т.: «Давр-пресс», 2019. – Б. 23.
46. Фалсафа асослари. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – Б. 100.
47. Локк Джон. Сочинения в 3 томах. – М.: «Мысль», 1985/1985/1988. Т. 3. – С. 263-264.
48. Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. – М.: Государственное издательство политической литературы. 1955. – С. 288-289.
49. Мухитдинов Ф. Бозор ва хуқуқ (Адам Смит ва Иммануил Кант: назарий ғоя ва қарашлар муштараклиги). – Т.: Фалсафа ва хуқуқ институти нашриёти, 2005 йил. – Б. 26.
50. Алимардонов Т. Сиёsat ва ахлоқ мувозанати. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – Б. 72-73.
51. <https://www.monticello.org/research-education/thomas-jefferson-encyclopedia/>
52. Landreth H., Colander D.C. The History of Economic Thought. – Boston: Houghton Mifflin, 2001; Ядгаров Я.С. История экономических учений. – М.: Инфра-М, 2004; Медведев В.А., Абалкин Л.И., Ожерельев О.И. Политическая экономия. – М.: Политиздат, 1998.
53. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2016.
54. Равшанов П. Беҳбудий ҳақиқати. – Т.: «Akademnashr», 2022, – Б. 128; Каримов Н. Беҳбудий. – Т.: «Akademnashr», 2022, – Б. 320; Abdulla Qodiriy. She’rlar, hikoyalar, ocherk, drama, hajviya va kichik asarlar. – Т.: «Zabarjad Media», 2022, – Б. 400; Usmon Nosir. She’rlar, doston va tarjimalar. – Т.: «Zabarjad Media», 2022, – Б. 224; Ўттиз еттинчи йил турналари (1937 – 1938 йиллардаги «Катта қирғин» қурбонларига бағишлиланган очерк ва мақолалар). – Т.: «Akademnashr», 2022, – Б. 208.
55. Алимова Д. Жадидчилик феномени. – Т.: «Akademnashr», 2022, – Б. 23-24.
56. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 1999. 204-бет.
57. Is’hoqxon Ibrat. G‘azallar, ilmiy va ma’rifiy maqolalar, tarixiy asarlar. – Т.: «Zabarjad Media», 2022; <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/milliy-uygonish/ulugbek-dolimov-ishoqhon-ibrat-1862-1937/>

58. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 2003. – Б. 59, – Б. 181.
59. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. – Б. 43.
60. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 2010. – Б. 152-153.
61. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/milliy-uygonish/begali-qosimov-abdulhamid-chulpon-1897-1938/>
62. Одилқориев Х.Т., Тультиев И.Т. Давлат ва хуқуқ назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010; Сайдов А. Ўзбекистон республикаси конституцияси: мустақил ва демократик тараққиётнинг хуқуқий асоси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012; Хусанов О.Т. Конституциявий хуқуқ. – Тошкент: Адолат, 2013; Сайд-Газиева Н.Ш. Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ислоҳ этиш масалалари: Монография. / Масъул муҳаррир: З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮИ, 2008; Xojiyev E. Davlat va jamiyat boshqaruvining huquqiy asoslari. – Toshkent: Yangi kitob, 2017.
63. Қодиров А. Анъянавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2006; Бекмуродов М., Қуронбоев Қ., Тангриев Л. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017; Юлдашев А. Ўзбекистонда раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ўқитишнинг кейс усулидан фойдаланиш. – Тошкент: Yangi kitob, 2019; Отамуродов С., Эргашев И., Қодиров А. Политология. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998; Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000; Равшанов Ф. Давлат хизмати XX асрда. // Жамият ва бошқарув. 1999. № 1-2.
64. Конституциявий хуқуқ. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б.Мустафоев. – Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006 йил. – Б. 104-105.
65. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи: Биринчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2019. – Б. 17.
66. <http://www.ach.gov.uz/uz/lists/view/54>